



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 август, жума № 123 (955)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1991 2000



## КАРМАНА

### КЕЧА

Қадим Карманада Арк, чорвоқ (ҳозирги Ибн Саройлар бўлган, қўрғон ичидаги бекнинг ва хиндуларнинг карвонсаройлари шулар жумласидандир. Улар буюк ипак йўлидан ўтайдиган карвонларга хизмат қилган. Шаҳар бозори атрофида ўнга яқин чойхоналар ишлаб турган.

Кармана худуди айниқса хушхаволиги, хушманзаралиги, ширин-шаркар мевалари билан машҳур бўлган. Шаҳардаги боғлар ўрни алоҳида диққат талланган. Мирзо-чорбоғ (уруғ заводи ёнида), Чармгарчорбоғ, Хон-

### БУГУН

Фақат мустақилликгина Кармананинг тараққиёт йўлини белгилаб берибди. Республика Президентининг 1999 йил 27 майдаги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июндаги Қарорига асосан Навоий шаҳри худудида Кармана тумани ташкил этилди.

Ҳозир Карманада 2760 хонадон бўлиб, 23 минг аҳоли яшайди. Кармана туманини 2000-2005 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2-3 қаватли уй-жойлар, маҳалла гузарлари, мактаб ва болалар боғчалари, даволаниш, дам олиш масканлари, савдо ва маиший хизмат уйлари қурилиши мўлжалланган. Айни пайтда вилоят матлуботсавдо, электр-алоқа тармоқлари биноларини таъмирлаш ишлари ниҳосига етказилмоқда. Шунингдек, туман Пахтабани, вилоят ижтимоий суғурта маъмурий идораларининг меъморий кўриниши яхшиланди. Тумандаги барча мактаб, болалар боғчалари биноларида замонавий қайта қуриш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Зебуниссо номи 1-мактабда Навоий тоғ-кон-металлургия комбинати томонидан шу йил 4,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоят ҳокимлиги Республика Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда тумандаги Мир Саид Баҳром, Хўжа Хисрав, Қосим Шайх, Мирзо-чорбоғ тарихий обидаларини қайта таъмирлашга 83 миллион сўм ажратишни кўзда тутган. Бу хайрли ишга вилоятдаги корхона ва ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунгача Биргина Қосим Шайх, Мирзо-чорбоғ обидаларини таъмирлашда 4,2 миллион сўмлик иш бажарилди.

Кейинги икки йил ичида Кармана йўллари кенг ва раво қилиб қайта қурилади. Бунга 450 миллион сўмлик маблағ сарфланади. Тумани электр, иссиқлик энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш бош режа асосида оқиб боришда, канализация тармоқлари тубдан қайта қуришмоқда. Худудни ободонлаштириш, йўл атрофида дарактар, гуллар ўтказишга «Нуроний» жамғармаси, маҳалла окскополари бош-қош бўлмоқдалар.

Туманда «Соғлом авлод» дастури асосида оналик ва болалик муҳофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Навоий шаҳар ҳокимлигининг бевосита ёрдамида боғчаларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тубдан яхшиланди. Яқинда ишга туширилган 3-поликлиника аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Кейинги олти ойда 1 ёшгача болалар ўртасида ўлим ҳолати қайд этилмаганининг ўзиёқ фикримиз исботидир.

Туманда кам таъминланган 850 оилга олти ой ичида 20594,8 минг сўм нафақа маблағлари ажратилди. Наврўз байрами, Хотира ва Қадрлаш кунларида ночор хонадонлар ҳомиёлардан 2 миллион сўмдан ошқ моддий мадад олдлар.

Туманда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш — аҳолининг тинчлик ва осойишталигини, ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш асосий вазифа деб қаралмоқда. Огоҳлик — давр талабига айланган.

Ялғош САЙРАБ, «Ишон» муҳбири.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

12 август куни Баренц денгизиде Россия харбий-денгиз кучларига қарашли «Курск» атом сувости кемаси ҳалокатга учраган эди. Афсуски, бир неча кун давом этган қутқарув ишлари куттилган натижани бермади ва 118 нафар денгизчи ҳалок бўлди. Шу муносабат билан Россия Президентини Владимир Путин 23 августни мамлакатда миллий мотам куни, деб эълон қилди.

24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, Ўзбекистон ҳукумати ва халқи номидан ҳалок бўлганларнинг яқинларига, Россия ҳукумати ва халқига самимий ҳамдардлик изҳор этди. Давлатимиз раҳбари ўз дил сўзларини элчихонанинг ҳамдардлик китобига ёзди. Сўнг Президент Ислам Каримов Россиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков ҳамда ҳамдардлик билдириш учун бу ерга келган Украина элчиси Анатолий Касьяненко билан қисқача мулоқотда бўлди.



«Курск»да ҳалок бўлганлар орасида реактор бўлими бошлиғи капитан-лейтенант Рашид Аряпов ҳамда мичман Анатолий Ричков Ўзбекистонда туғилиб ўсган эди. Ҳалокат ҳақидаги хабар етиб келиши билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий

авиакомпанияси томонидан Р.Аряповнинг ота-онаси ва укасига, А.Ричковнинг эса онаси ва синглисига Москвага етиб олишлари учун самолётга бепул билет берилди. Россиянинг Тошкентдаги элчихонаси ходимларининг айтишларича, Ўзбе-

кистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳалок бўлган денгизчиларнинг қариндошларига берилмайдиган ёрдамни давом эттириш мақсадида, Россия дипломатик ваколатхонасига мурожаат этган. Йўловчилар Мурманск

шаҳрига жўнаб кетгунларича, Москвада — Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасига қарашли меҳмонхонада истиқомат қилган.

Бу мусибат халқларимизнинг бир-бирига қанчалик мустаҳкам ришталар билан боғланганини, одамларимизнинг тақдирда муштарак жиҳатлар кўп эканлигини кўрсатади, - деди Ислам Каримов.

Юртимизда вояга етган икки йилнинг Россия атом сувости кемасида хизмат қилиши ва қаҳрамонларча ҳалок бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз! Ўзбекистон ҳукумати жожа содир бўлган жойга етиб боришда мазкур икки денгизчининг яқинларига ёрдам кўрсатди. Зарурат туғилса, бундай ёрдам яна берилди. Ҳаёт борки, мусибат ҳам бор. Бундай пайтда меҳр-оқибатни нуғмаслик, дардмандларга ҳамдард бўлиш, сабр-бардош тилаш, елкама-елка туриб ғам-ғуссани енгил инсоний бурчдир. Ойнинг ўн бешини ёруғ, ўн бешини қоронғу, дейди халқимиз. Аллоҳдан ёруғ кунларни кўпайтиришни ва, қаерда бўлмасин, бундай жожаоларни одамлар бошига солмаслиқни сўраймиз.

(ЎзА).

## КРЕДИТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Косон тумани қишлоқларида яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар тобора кўпайиб борапти. Биргина «Пахтабанк»нинг тумани бўлими чорвачиликни ривожлантириш учун 2000 йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 35 тадбиркорга 31 миллион 555 минг сўм кредит ажратди. Бу эса тадбиркорлар ўз фаолиятларини янада кенгайтиришларида қўл келяпти.

## ҚАРИЯНИНГ ҲИММАТИ

Савобнинг катта-кичиги бўлмайди. Гапният холисликда. Саховатнинг юракдан адо этилишида.

Қарши туманининг Паргуза қишлоғида яшовчи Очил бобо Тошев нафақа пулидан 5 минг сўмини кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига китоб сотиб олиб бериш учун қишлоқ мактабига берди.

Бу арзimas маблағдай туюлиши мумкин. Аммо тома-тома кўл бўлур, деганларидек Очил бободай саховатли кишилар кўпайса, одамлар ўртасида меҳр-оқибат янада мустаҳкамланиши шубҳасиз.

# МАРД АСКАРЛАРИМИЗГА ХАЛҚ ЕЛҚАДОШ

## ЁВНИНГ ИЙМОНИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондон Ислам Каримовнинг Сурхондарёнинг халқаро террорчиларни тугатиш ҳаракатлари давом этаётган Сарюсий ва Узун туманларига ташрифи ёвузларнинг додини бераётган харбийларимиз, барча юртдошларимизни тўлқинлантирди, иродасини янада мустаҳкамлади.

Тахририятимизга келаятган хатлар, телефон кўнги-роқлари шундан далolat берадики, барча юртдошларимиз малъун душманга ўлим тиламоқда, қасос ўтида ёнмоқда. Аскарларимиз халқ даъватидан куч-қудрат олмақда. Барча бир сўзни дадил таъкидлайди: босқинчиларнинг ҳадемай куни битиши аниқ!

Азиз она тупроғимизни босқинчилардан тозалаётган зобити аскарларимиз бизнинг фарзандларимиз, жигарларимиз. Улар ўз қасамларига содиқ қолиб, ўлимга тик бориб, муқаддас сарҳадларимиз дахлсизлигини сақламоқдалар. Душман айёр, ўтакетган ваҳший. Бундайларда дину иймон йўқ. Боз устига жангарилар хорийдаги террорчилар тайёрланганидан махсус лагерларда пухта тайёргарликдан ўтган, энг замонавий қуроллар билан таъминланган. Бу мард ўғлонларимизни, юртдошларимизни озгина бўлса-да қўчимади. Чунки давлатимиз раҳбари Сурхондарёга сафари чоғида таъкидлаганидек, биз ўзимизнинг янги, миллий армиямизни барпо этмоқдамиз. У энг замонавий қуроллар билан таъминланган, шиддаткор, куч ва билимда, маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган асқару офицерлардан ташкил топаёттир. Улар энгилмас қудратли куч эканлигини амалда кўрдик. Ҳамиша халқини ўйлайдиган, жасур Юртбошимиз, Ватан учун жонини тикишга тайёр турган ўғлонларимиз бор экан, ҳеч қачон бошимиз ерга қарамайди.

Қўпмиллатли корхонамиз - Тошкент трактор заводи давлат ҳиссасдорлик жамиятида бўлиб ўтган йиғилишда ишчиларининг террорчиларнинг шум нияти, ёвузликларини қаттиқ қораладилар, ёвга ўлим тиладилар. Биз мард аскарларимиз билан бир тану бир жонимиз. Ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз, хушёрлигимиз, ҳамкору хамжихатлигимиз билан ёвга ўт очмоқдамиз. Нобакор душман ҳеч қачон ниятига етолмайди.

**З.БОКИБОВЕВА, И.КОРАБОВЕВ, В.ГУСАКОВ, Ф.МУРОТОВА, М.ДЮСИБОВЕВ, жами 1000 дан ортиқ имзо.**

Биз — Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчилари, мутахассислари ҳам Сарюсий ва Узун туманларидаги воқеаларни зўр ҳаяжон ила кузатиб бормоқдамиз. Халқа тобора қискармоқда. Газандларнинг сўнги кучлари бирин-кетин яқсон этиляпти. Ишонимиз, биронта қашқир мард йигитларимиз ўқидан кутула олмайдди. Укинамиз, юрак-бағримиз хун бўлади шайхид кетган қаҳрамонларимизни эсласак. Яхшилиқни, эзгуликни, гуллаб-яшнаётган мустақил юртни қуролмайдиган кимсаларни ким ва нима деб аташга ҳам ҳайронимиз. Энг ёмони, энг ачинарлиси каллакесарлар ўзимиздан чиққанидир. Долларга Ватанини, миллатини сотган инсонлар энг бадбах кимсалардир.

**Н.ОТАНИЕЗОВ, Н.РАҲМОНОВ, Б.АЛИМОВ, Н.КОЛЯДА, Ф.ГОЛИНА, жами 400 дан ортиқ имзо.**

Қарши шаҳрининг «Ойдин» маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар Сурхондарё вилоятининг Сарюсий ва Узун туманлари тоғли қишлоқларидаги воқеаларга ўз муносабатларини билдиришиб, мамлакат тинчлиги ва юрт осойишталиги ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳаётимизда фаол иштирокига, ватанпарварлик бурчига бевосита боғлиқ экани ҳақида гапирдилар. Жамоатчиликни янада қўлдош қилишга, мустақиллигимизнинг қадрига етишга чақирдилар. Ҳалок бўлган харбийлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини изҳор этдилар.

## Жиззахда касаба уюшмалари вилоят кенгаши фаоллари йиғилишида Сарюсий ва Узун туманлари худудига суқулиб кираган халқаро террорчилар ёвузликлари қаҳр-ғазаб билан қораланди.

Сўзга чиққанлар халқаро террорчилар Ватанимизга таҳдид солаётган бир пайтда хар бир фуқаро хушёрлиги — бу Ватанини асраш, миллатни асраш эканлигини алоҳида таъкидлаб, жангариларнинг шум ниятлари, ёвузликларини қаттиқ қораладилар. — Мен онаман, — деди ўз сўзида Хусния

Бердиева, — ёвга қарши оналар нафрати уйғонган экан, манфурларнинг ўланса мурдаси кузгунларга ем бўлиши аниқ. Ўзбекистонимизни буюк давлат қилиш нияти билан бирлашган қудратли кучни асло енгил бўлмайди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят аҳолисига мурожаатнома қабул

қилдилар. Унда энг масъулиятли синов даврида корхона, муассаса, ташкилотларда, илм даргоҳларида, маҳалларда хушёрликни янада ошириш, соғлом, ўзаро талабчанлик муҳитини қарор топтириш, ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйиш, барча-барчани мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинч, осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асрашга чақирилди.

**Шавкат ЁКУБОВ, Абдуманноп АЗИМОВ.**

# ШУ СИНОВ ОНЛАРИДА

## кўчириб келтирилган тоғликлар хузуриди

**Хонанда Ўғилой Эшмўминова куйлаётган кўшиқ барчани сеҳрлаган. Ҳатто оромгоҳ чеккасида ястанганча гурунг қилаётган чоллар ҳам бошларини тебратганча жимгина тинглашаётти.**

... Узун туманидаги Х.Холниёзов номи оромгоҳга тоғ қишлоқларидан вақтинча кўчириб келтирилган кишиларнинг ҳар бир кунини сермазмун ўтаётти. Штаб аъзолари бу ерда яшаётган 500 нафарга яқин кишининг ҳеч бир нарсасдан зорикиб қолмаслиги учун барча чораларни кўраётганлиги яққол сезилиб турибди.

Оромгоҳга биз етиб борган пайт туман ҳокими муовини Х.Хасанов билан «Пахтабанк» бошқарувчиси Х.Ҳамидов кўчиб келганларга пул тарқатишаётган экан.

— Ишлар кунлик ре-

жим билан суҳбатлашманг, яратиб қўйилган шароитдан мамнулик изҳор этади. Сўз орасида Абдумалик Мавлонов, Қобил Курбонов ҳамда Зиёдулла Хусанов раҳбарлик қилаётган корхона ва ташкилотлар, шунингдек, аллақанча ҳомиёлар 3 миллион сўмликдан ортиқ кўмак берганликларини эшитдик.

— Мен мустақил Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрланаман, - дейди Регистон қишлоғидан кўчириб келтирилган Абдумалик бобо Қаҳоров. — Бизни хар қандай вазиятда бошимизни силайдиган меҳрибон қўллар борлигини ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Хавф-хатардан қутқариб оиламиз аъзолари билан вертолётларда бу ерга кўчириб келишимизга ҳам анча кун бўлиб қолди. Худого шу-

кур, ҳеч нарсасдан камчилигимиз йўқ. Бунинг учун аввало меҳрибон йўлбошимиз Ислам Каримовга мингдан-миг раҳмат.

— Мана кўриб турибсиз, - сўзида давом этади бобо, - салкам ярим минг киши - турли оила аъзолари оромгоҳда яшаймиз. Бу долғали кунлар биз — турли қишлоқлардан кўчириб келганлар учун меҳр-оқибат синови бўлди. Ўқ овозлари кўнглиларга ваҳима солиб турган тоғ қишлоқларидан мана шундай беҳавотир жойларга кўчиб келганимиздан сўнг оиламиз аъзолари га дилимдагини очиб айтдим: фарзандларим, Ватанимизни қанчалик қадрласак шунчалик оз, она-юрт учун жонимизни тикишга ҳамиша тайёримиз.

Турли мевалар, олма-

лар фарқ пишган қишлоғимиздан бизни мосуво қилганларга нафратимизнинг чеки йўқ: илоий бизни хонавайрон қилмоқчи бўлганлар икки дунёда ҳам рўшнолик нималигини билмасин! Ватанимизга ёмон ниет билан қадам қўйганлар ер билан яқсон бўлсин.

Тоғдаги Хамидарча қишлоғилик ўн етти ёшли йигит Хотам Муродов ҳам дил сўзларини тўкиб солди:

— Кўчириб келтирилганлар учун яратилган шароитдан ота-онам, укаларим — ҳамма-ҳамманинг кўнгли тўқ. Мана ҳозиргина маза қилиб футбол ўйнадик. Хуррам исмли ошман рақиб дарвозасига гол урди ва бизнинг жамоа 1:0 ҳисобида ютди. Хоҳласак, турли газета-журналлар, бадий китоблар ўқиймиз. Узим Денов тиббийет билим юрти талабасиман. Яна бир неча кундан сўнг, янги ўқув йили бошлади.

Хайрлашаётганимизда Хотам бир гапни айтди: — Насиб бўлса, ўқиш-

ни битирганимдан сўнг Ватанимиз ҳимоячилари сафида хизмат қиламан, ахир бизни эъзозлаган юртни биз ҳам қадрлашимиз, ҳамиша кўз қорачиғидек асрашимиз лозим эмасми? Ёвузлар кўз олайтирган қишлоқлардан кўчириб келтирилган тенгдошларим билан дўстлашиб қолдим, гапнинг очиги, бу воқеа ўртамиздаги меҳрини янада оширди.

... Кимнинг қандай инсон эканлиги кийинчиликда, бошга иш тушган кунларда билинади, дейишади. Бу гапда жон бор. Оромгоҳ сўриларида чақчақлашиб ўтиришган хотин-қизлар бир-бирлари билан худди опа-сингиллардек аҳил бўлиб қолишганини кўрганимда, бу ердаги юзлаб кишилар қалбидagi меҳр кўши-ланганлигини, бу жўшқин дарёни ўз оқимидан ҳеч қандай куч тўхта та олмаслигини яна бир қарра ишонч хосия қилдим.

**Жовли ХУШБОКОВ.**

Касаба уюшмалари ҳаёти

Кейинги йилларда кўпгина корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузишда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни янада яхшилашга катта аҳамият берилляпти. Ушбу муҳим ҳужжатлар янги имтиёзлар ва энгилликлар билан тўлдирилмоқда. Бу эса ишчи-хизматчиларни бозор иқтисодиёти даври қийинчиликларини енгишда муҳим омил бўляпти. Жамоа шартномаларининг бажарилиши ва галдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган йнгилликларида ҳам шу ҳақда алоҳида гап борди.

МЕХНАТКАШГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Кўмитамизда жамоа шартномалари билан ишлашда ўзига хос тажриба тўпланган. Жамоа шартномалари тармоқ кўмитасида ҳисобга олинади ва унинг бажарилишини ходимлар назорат қилиб борадилар. «Даритал» кўшма корхонаси, «Гурлан» ҳиссадорлик жамияти, «Мебель-сервис» корхонаси, «Ўзбекистон» жамоа корхонаси, «Боготтукучи» ҳиссадорлик жамиятида жамоа шартномаларининг бажарилишига бағишланган йнгилликлар ушқоқлик билан ўтди. Бу корхоналарда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш юзасидан жамоа шартномаларига кўпгина имтиёз ва энгилликлар киритилган. Масалан, «Феруз-Хоразм» тикувчилик акциядорлик жамиятида кейинги йилларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тобора кўтарилмоқда. Боиси, ишчи-хизматчиларга турли имтиёзлар яратилганлигидир.

Кўп болали 270 нафар ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига корхонада тикилган кийим-кечаклар бепул берилди. Кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилаларга озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ишчилар овқат пули олишмоқда. «Гурлан» ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларга 25,4 миллион сўм сарфланди. Йўл ҳақи тўланмоқда. Тушлик овқатга 1,2 миллион сўм тақсимланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига салкам 1 миллион сўм ажратилди. Оғир ва зарарли шароитларда ишляётганларга қўшимча ҳақ белгиланган. Урганч шаҳридаги троллейбус бошқармасида ҳам жамоа шартномаси бўйича ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадига 3,2 миллион сўм сарфланди. Таъкидлаш керакки, корхона ва ташкилотларда тузилаётган жамоа шартномаларига Соғлом авлод йили муносабати билан бир қатор имтиёзлар киритилди. Туямўйин-Урганч сув омбори бошқармасида ишловчи аёлларга меҳнат таътилига қўшимча кунлар берилляпти. Олти ёшга болали бўлган аёлларга ҳар ойда бир марта 1 кун иш ҳақи тўланадиган қўшимча дам олиш кунли белгиланган. «Хива гилами» акциядорлик жамиятида эса ишчиларнинг яқинлари вафот этганда ёрдам пули уюш-



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР

тирилади. Лекин кузатишлар шуни ҳам кўрсатмоқдаки, айрим корхоналарда жамоа шартномалари тузиш, уларда имтиёзлар ва энгилликларни белгилаш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, Шовот маҳсул автокорхонаси, Урганч ва Шовот коммунал-фойдаланиш бошқармаларида, «Орзу» хусусий корхонаси, «Шоҳжар» кўшма корхонасида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўаламзорлаштириш идораси, «Хоразмтаъмирқурилиш» трести бўлимларида иш ҳақи тўлаш кечикяпти. Хуллас, кўпгина корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчиларга имтиёз ва энгилликлар яратишда касаба уюшма кўмиталари фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу эса жамоаларда ижтимоий муҳитни яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда.

**Р. ИСКАНДАРОВА,**  
**Хоразм вилояти**  
**Энгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси.**

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Навоий шаҳрининг Карман тумани халқ таълими бўлими янги ўқув йили олди-дан илк бор хайрия марафонини ташкил этди. Кам таъминланган болаларни бепул ўқув дарсликлари билан таъминлаш мақсадида ўтказилган хайрия марафонига 500 минг сўмга яқин маблағ тушди. Натижада 200 га яқин кам даромадли оила фарзандлари янги ўқув йилида дарслик китоблари ва дафтар қаламли бўлишди. Марафонда умумтаълим мактаблари ва болалар боғчалари бадий ҳаваскорлари ижросида хайрия концерти намойиш этилди.



Даврон АХМАД олган суратлар.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Китоб туманида бир қанча хайрли тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган учрашувда асосан тоғлик қишлоқ аҳолисининг ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари топширилди. Шунингдек, бу учрашувларда Деңизовбола, Аспидухтар, Матмон, Жовуз, Қавзахона, Мусобозор сингари қишлоқ аҳолиси санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлдилар. Кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилди. «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари туман бўлими вакиллари иқтисодий жиҳатдан ночор бўлган оилаларни ўз совғасаломлари билан ҳушнуд этишди. Халқ демократик партияси туман кенгаши, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси вакиллари ҳам 300 нафарга яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бердилар.

Зафаробод туманидаги Келди Қудратов бошлиқ «Ҳумо» мустақил фермер ҳўжалиги 35 гектар майдондан 123 тонна галла етиштириб, ундан 2 миллион сўмлик соф фойда олди. «Соғлом авлод» туман жамғармасига 10 тонна галла ажратди. Шунингдек, болаларни соғломлаштириш учун 20 минг сўм, «Гўзал» болалар боғчасига 30 минг сўм маблағ билан ёрдам берди. Ун нафар ишчининг ҳар бирига 2 тоннадан бугдой улашилди.

Янги ўқув йилида Жиззах вилоятида 4 та қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилади. Эндиликда Мирзачўл, Галлаорол, Баҳмал туманларидаги ёшлар қишлоқ ҳўжалиги йўналишида танлаван касблари бўйича билим олиш имконига эга бўлишди.

насиға қарашли «Гўзаллик салони» ҳам қуриб битказилди.

- Суратларда: 1. «Гўзаллик салони»нинг ташки қўрилиши. 2. Тадбиркор Бахтиёр Ҳўжаев ўз маблағи ҳисобига шаҳар марказида «Шаршара» оромгоҳини барпо этди. Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар

Мухбиримиз хабар қилади САХОВАТЛИЛАР КўПАЙМОҚДА


Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек ажойиб удум бор. Боболардан мерос бу анъанага элим, юртим деб яшайётган фидойи инсонлар содиқ қолиб уни давом эттириб келмоқдалар. Бугун Сурхон воҳасида яна 7 та янги мактаб қурилиши авж олган. Шулардан 2 таси қутлуғ тўй кунли болажонларга туҳфа этилади.

— Сарийосиё туманидаги Г.Хидиров номи ширкат уюшмаси аъзолари олинган фойдалари ҳисобидан 360 ўринли мактаб биноси қурилишини тез ва соз тамомлашди. Мактаб ҳашар йўли билан бунёд этилди.

— Деновлик фермер Аҳмад Нарзуллаев ўз ҳисобидан 9,5 миллион сўм маблағ сарфлаб, 87-мактабга 320 ўринли икки қаватли ўқув биносини қуриб берди. Аҳмад фермернинг қурган мактабида 1 сентябр кунли ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар иштирокида тантанали очилиш маросими бўлади.

— Қумқўрган тумани «Беш қарамон» ширкат ҳўжалигидаги 620 ўринли 24-умумтаълим ўрта мактабни эса А.Нормуродовлар оиласи ўз жамғармасидан 700 минг сўм сарфлаб таъмирлашди. Шунингдек, мактабнинг иситиш тизими тўлиқ алмаштирилди. Туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳам ўз ҳисобларидан 13- ва 38-умумтаълим ўрта мактаблари учун қўшимча синфхоналар қуриб бердилар.


**Рустам ДАВЛАТ,**  
**«Ишонч» мухбири.**



МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

Китоб туманида барпо этиляётган маъмурий бинолар, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрами арафасида бирин-кетинишга тушириляпти. Жумладан, туман марказидаги бир вақтда 120 ҳўрандаги хизмат кўрсатишга мўлжалланган ошхона. «Китоб дон» очик ҳиссадорлик жамияти ва Германиянинг «Нағима» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этиляётган кичик корхона, «Ўзгро-сўғурта» туман бўлимининг маъмурий биносидан сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. «Дўстлик» жамоа корхо-

лақобов номи ширкат ҳўжалигидан бир грамм ҳам сув ўтказилмади. Албатта, излаган имкон топади. «Умид»ли ишбилармонлар бор имкониятни ишга солиб озуқа тўплашди. Бироқ мавжуд имкониятлар шу куннинг талаблари асосида мол туёқ сонини ошириш, сўт, гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун асло етарли эмас. Биринчи галда ер майдонлари бўлинишидаги хатолликларни тузатиш керак. Шунингдек, қарзлар фақат бир фирманинг зиммасига юкланиши ҳам адолатдан эмас, қолаверса, «Феруз» ва «Нурота» ривожини «Умид» ҳисобидан бўлмаслиги керакда! Шундай эмасми? **Ялғош САРИБЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**



Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар

Муаммо ва ечим ИШЛАШНИ БИЛАМИЗ, ДАМ ОЛИШНИЧИ?

Нон ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий муаммолар борлиги аён. Бироқ, истак бўлса, имконият топиш мумкин. Ҳалмаси кўйи ташкилот етакчилари ҳамда фаолларининг тажрибаси ва ташкилотчилигига боғлиқ. Ҳозир тармоқда 153 та кўйи касаба уюшма ташкилоти бўлиб, ўн мингга яқин аъзони бирлаштиради. Нодавлат тизимдаги ташкилотлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг кузида «Пандара» хусусий фирмаси ва «Ал-Бухорий» хайрия жамғармаси тармоқдаги касаба уюшма ташкилотлари қаторига қўшилди. Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари асосида иш юритишга катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу меъёрий ҳужжатларда тармоқдаги ходимларнинг иш соатларини белгилаш, хотин-қизларнинг иш вақтини бир соат қисқартириш, ёш болали аёллар ва кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш каби масалаларга кенг ўрин берилган. Бундай имтиёзлар «Самкитоб» ҳиссадорлик жамияти, «Меъмор-86» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Беруний» номи вилоят кутубхонаси, «Афросиёб» меҳмонхонаси ва вилоят босмахонаси фаолиятига ҳам татбиқ этилган. Самарқанд вилоят телекомпанияси эса ишловчи ногилорларга алоҳида имтиёзлар берилган.

Бу йил «Соғлом авлод йили» дастури доирасида вилоят тармоқ кўмитаси «Экосан», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, маънавий ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Соғлом авлод—соғлом келажак» кўрик танловини ўтказди. Мазкур тадбирда тармоқдаги барча ташкилот, муассасалар вакиллари иштирок этишди.

Вилоят кўмитаси ҳарбий қисмларда бўлиб, хизматни ўтаётган ёшлар билан иш олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, йилнинг

ўтган даврида вилоят касаба уюшма кўмитаси ходимлари «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, Самарқанд шаҳар зобитлар уйи, Тошкент Ислам университети вакиллари билан биргаликда чегарачилар ҳузурида, гарнизонларда бўлишиб, турли тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. Бунда Ургут туманининг «Бешқарсақ», «Самарқанд» дасталари фаол қатнашдилар. Шунингдек, меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини дам олдириш, соғломлаштириш ишларига ҳам муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Очигини айтганда, одамларимиз яхши ишлашни билишяпти. Аммо дам олишни ҳар доим қойил қилолмаймиз. Аммо сўнгги йилларда бу борада ўзгаришлар бўляпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида тармоқ меҳнаткашларининг 287 нафар фарзанди вилоятдаги турли оромгоҳларда, жумладан, 89 нафари санаторий йўналишидаги «Алпомиш» ва «Қурувчи» оромгоҳларида дам олдирилди. Бир қанча ташкилот йўлланма харажатларини тўлиқ ўз ҳисобидан қоплади. Меҳнаткашлардан 31 нафарига санаторийга йўлланмалар берилди.

Бироқ ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди. Оммавий спорт ва маданий-маърифий тадбирларини уюштиришда баъзи ташкилотларда локаллик ҳўкм сурияпти. Айни вақтда вилоят кўмитаси Пахтачи тумани, Каттакўрган шаҳрида бу борадаги ишларни талаб даражасига кўтариш чораларини кўрмоқда. Ўтган йиллар сабоги, таҳсиллар шуни кўрсатадики, барча масалалар жамоа шартномаларида тўлиқ акс этиши ва унинг ижроси қатъий назоратга олиниши керак экан. Шу боис фаолиятимизни шу асосда ташкил этияпти.

**С. РАҲИМОВ,**  
**Самарқанд вилоят Маданият ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси.**


СОҒ ТИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ангрэн шаҳрида фаолият бошлаган «Дент-практик» хусусий клиникаси республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида иш бошлаган, жаҳон андозаларига тўла мувофиқ келувчи соғломлаштириш масканидир. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида малакали тиш шифокори сифатида эл назарига тушган Омон Исломовнинг ташаббуси билан очилган «Дент-практик» мижозлари орасида нафақат шаҳар ва шаҳар атрофидан, балки бошқа вилоятлар — Фарғона, Андижондан келганларни ҳам учратиш мумкин. Улар малакали, кўли энгил стоматолог намуналий хизматларидан мамнун. Боиси, бу ерда стоматология хизматининг барча турлари огрикисиз даволаш: сунъий, фарфор ва металл-керамик тишлар қўйиш; тиш пломбалари каби қатор энг замонавий усуллар билан даволаш мажҳуд. Нархлар ҳам унча қиммат эмас. Бундан ташқари корхона ва ташкилотлардан пул ўтказиш йўли билан ҳам кафолатли хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. «Дент-практик» хусусий стоматологик клиникасининг ташкил топиши ҳақида икки оғиз сўз: асли шифокорлар оиласидан бўлган О. Исломов шу йилнинг апрел ойида Тошкентда ўтказилган 5-Халқаро стоматологлар семинарида иштирок этиб, Ўзбекистон-Америка ҳам-

Янги тиббий маскан

Гулбаҳор САТТОВА.

## Ўзбекистон Таълим ва фан Ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси



Республикамиз фуқароларини, барча муаллим ва мураббийларни, олимларни энг улуғ айём — Мустақилликнинг 9 йиллик байрами билан қизини муқофобод этади.

*Жондан азиз Ватанимиз — ҳур  
Ўзбекистон раванги йўлидаги  
меҳнатингиз баракали,  
кайфиятингиз аъло, турмушингиз  
фаровон бўлсин!*




*Серқуёш ва серрайз  
юртимизда тинчлик-  
осойишталик ҳақида  
барқарор бўлсин!*



## Водил Ипакчилик фабрикаси

*Барча юртдошларимиз  
ни ва соҳа ходимларини  
Республикамиз  
Мустақилликнинг  
9 йиллик байрами билан  
чин қалбдан  
табриклайди.*



**Ватанимизнинг гуллаб-  
яшнаши йўлидаги ша-  
рафли ишларида муваф-  
фақиятлар тилайди.**

# ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме, Ким замон осибидин бир-бирга айтишсоқ гама.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар, Гам йўқ, ар ҳар дам гамин айтурга топса ҳамдаме.

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга, Қатл учун остида қилгон захр пинҳон хотама.

Йўқ фароғат дахр ароким, шомдин сочин ёйиб, Ёғдуруб ашқин, тутар ҳолингга ҳар тун мотама.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком, Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким, Сен вафо кўрмак учун халқ ўлгуси йўқ одаме.

Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки, Шаммаи бу рамздин зоҳир қилурга махраме.

Дурди захм ўлмиш ичу тошим, қадах куй оғзима, Соқиб, кўксима лойдин доғи ёқ мархаме.

Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навойи, тонг эмас, Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

Мир Алишер Навоийнинг девонларида шундай ғазаллар борки, гоё ёки фикр миқёси ва салмоғи жиҳатидан улар ҳатто бутун бошли дostonни эслатади. Баъзан узун бир маснавий ёхуд дostonга сифдириш қийин бўлган ҳақиқатни Навоий ғазалда шундай санъаткорлик билан ифодалайдики, бундай ғазални неча қайта ўқиманг, маъно-моҳиятини барибир тўла-тўқисанг, мушоҳада этиб билмайсиз. Навоийнинг «Наводир уш-шабо» девонидидаги тўққиз байтли бир ғазални ўқиган севгирон шеърхон бу масалда ҳеч пайт савёзликка ён бермаслик зарурлигини бир қадар яхши фаҳмлайди.

Ғазалнинг илк байтини ўқиймиз: **Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме, Ким замон осибидин бир-бирга айтишсоқ гама.**

Шарҳда бирор-бир улуг шоир бўлмаганки, ёр, дўст, меҳр, вафо, садоқат ҳақида гап борганда «Топмадим» деган бўлса. Деярли барчаси дарду алам ила «Топмадим», деган. Ҳақиқатда ҳам кўнглига маҳрам бир ёр, таъбиға мувофиқ бир мусоҳиби топиш шунчалик қийин кечганми? Осон кечганида албатта Навоий «Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим», деб ёзмаган бўлурди. Ёки Муҳаммад Фузулий «Йўқ дахрда бир мувофиқи таъби зариф», деб бошланмаган рубоийсини, носас, паст, номард суҳбатдошлар билан шарафли вақтларимни бефойда ўтказдим, деган фарёд чекмасди: **Фарёди ножин мусоҳиблар ила Бефойда ўтди авқоти шариф.**

Навоий китобларида барида «аҳли маъни» эшигида гадолик қилишни «аҳли суратга подшоҳ бўлишдан баланд кўяди. Булар шоирона сўзлар эмас, балки «аҳли маъни», «аҳли дил», «аҳли сафо», «аҳли завқ», «аҳли ишқ», «аҳли ваҳдат» деб аталмиш зотларнинг ҳаётда сафи кенг бўлсин, деган бир орзунинг ифодасидир.

Ҳўш, Навоий назарда тутган ҳамдам ким? Ғазал қаҳрамони замон озори ва ранжлари тўғрисида қандай киши билан ҳасратлашмоқчи? **Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар, Гам йўқ, ар ҳар дам гамин айтурга топса ҳамдаме.** Демак, даврон қадахидан «дам-бадам хуноб» ичган кишига ҳамдам бўлгучи ҳам гамкаш, ҳам басирати очик, ҳам дунёни танигувчи кишидир. Замон инсон бошига ранж, озор,

дард ёғдиради. Даврон ўз қалбидан дам-бадам хуноб ичиради. Чархи даввор нима қилади? У қаттоллик ила машғулдир. Чунки у узукнинг ҳалқасига ўхшайди. Ундаги ҳар бир юлдуз ва сайёра эса қатл учун захар яширинган узукнинг айни ўзидир: **Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга, Қатл учун остида қилгон захр пинҳон хотама.**

Бас, шундоқ бўлгач, шўрлик инсон бу даҳри дунёда фароғат топиб, осуда кун кеңириши мумкинми? Эҳтимолки, у ўз қисмати ва аҳволининг сирларини тўғри идрок этолмас. Бу ёруғ дунёга нимага келди, нимага эришди, бахти нима, бахтсизлиги нима? Балки, бундай саволларни у хаёлга ҳам келтирмас. Бироқ унинг бошига тушган савдо ва қийинчиликлар дахрни тебратадиган даражададир: **Йўқ фароғат дахр ароким, шомдин сочин ёйиб, Ёғдуруб ашқин, тутар ҳолингга ҳар тун мотама.**

## «ТОПМАДИМ АҲЛИ ЗАМОН ИЧРА...» (Бир ғазал талқини)



Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.



Оламнинг умумий манзараси ана шу. Одамнинг толеи ҳам шунга мувофиқ. У елади, юғради. Гоҳ шод, гоҳ гамга чўмиб яшайди. Топгани йўқотганига, олиб-юғургани қўнча лаҳзалик осудалигига арзимайди. Уни ҳеч ким алдамаганда ҳам ўзини-ўзи алдайди. Бўлмаса умр «юк»ни жуда оғирлашади.

Ҳазрати Пайгамбаримиз бир ҳадисларида «Мўминнинг фаросатидан кўрқингиз, чунки у ҳамма нарса ни ҳақ нури ила кўради», деган эканлар. Оламга ҳақ нури ила боққан шоирнинг нигоҳи янада ўткир ва камровлидир. Буюк шоир дунёнинг асл моҳияти ва қиёфасини билишда алданмайди. Бироқ ҳамма шоир учун ҳам алданмаслик алданмаслиқнинг гарови бўла олмайдди, албатта. Шеърининг ҳамма вақт ҳам шеърхонга дунё тўғрисида тўғри тасаввур бера билмаслигининг бир сабаби ана шу. Шунинг учун айрим шоирларнинг дунёсеварлиги дунёни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари ила таниш ёки идрок айланда ўқувчиға ҳеч қанақа фойда етказмайди. Навоийда эса аҳвол бутунлай бошқача. Ҳар бир нарса ва ҳодисага инсон манфаати ва қисматини кўзлаб баҳо берган мутафаккир шоир одамни ўқитиб, мурод-мақсадга етишга имкон бермайдиган олам ҳақида мана нима дейди: **Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,**

**Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.**

Дейлики, ҳақ бошдан бошлаб янги бир олам яратди. Одамсиз олам руҳсиз вужуддай бир гап. Лекин инсон ўзгармас ва янгиланмас экан ҳамма кулфат, ҳамма муқаббат бошқатдан оёққа қалқиши муқаррардир. Чунки фожеванинг илдизи одамда: **Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким, Сен вафо кўрмак учун халқ ўлгуси йўқ одаме.** Бу мисралардаги фикр ва ҳужм олдинги байтдагиға нисбатан ҳам кескин, ҳаттоки қалтидир. Тўғри, Навоий жаҳон аҳлидан вафо кутмаслик кераклиги ҳақида шеърларда қайта-қайта гапирди. Бунинг туб сабабларини изоҳлайди. Ўзига хос кўрсатмалар беради. У бир қитъасида деймиш: **Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким, Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг...**


Жаҳон аҳлидан алоқани узиш фирор туйғусига эга ва тарк мақомига кўтарилган киши учун ҳеч қийин эмас. Аммо вафо бадарға қўлингалиги тўғрисида бани одамни айблаш ва «халқ» дейишга, халқ бўлишга арзигулик бирор одам ҳам топиламан, дейиш сўфийларнинг сакр ҳолидаги шатхитларини эслатади. Навоий бунга гўё пайкаб, ҳар турли инкор ва эътирозларни инобатга олганлиги учун навбатдаги байтни «нукта нозук бўлди асру» деган «изоҳ» билан бошлайди. Нукта-нозик сўз, таъсирбахш маъни, латиф фикр дегани. Навоий эса «нукта»нинг асру нозиклашувини рамзга боғлайди. Ва кошқи эди оғзига бўлса ҳам шу рамздан сўз очадиган маҳрам топсам, дейди: **Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки, Шаммаи бу рамздин зоҳир қилурга махраме.**

Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, Навоий «Сен вафо кўрмак учун халқ ўлгуси йўқ одаме», деганда халқ сўзини биз бугун англайдиган маънода эмас, одамлар тўдаси, жамоат, кўпчилик киши мазмунида ишлатган. Вафо сўзининг луғавий маъноси яхши маълум бўлса-да, истилоҳий мазмунидан кўпчилик хабардор бўлмаслиги мумкин. Бу сўз тасаввуф луғатларида, «Кулнинг зиммасига олган омонат ҳукмининг ботин ва зоҳирда адо этиши. Кенгликда ва торликда ҳам ҳаққа самимият ила садоқат кўрсатиш. Ишқни муҳофаза айлал, аҳдни бузмаслик. Бошқаларнинг камчиликларидан кўз юмиб, хатоларини кеңириш», - деб изоҳланган. Бизнингча, Навоий рамз тилини англайдиган маҳрамдан сўзлаганда ишқ ва сир аҳлини тасаввур этган. Шу тоифанинг вафо маслагига таянган. Кейинги байтдаги маъно бунга тўла тасдиқлайди: **Дурди захм ўлмиш ичу тошим, қадах куй оғзима, Соқиб, кўксима лойдин доғи ёқ мархаме.**

«Дурд» — шаробнинг қўйқаси, тўлиқ софлашмаган бода. Тасаввуфда «шароб» — муҳаббат, ишқнинг ибтидоси мазмунига эга. «Жом» ёки «қадах» — ҳақ ошиғининг қалби. «Соқиб» — пири комил, шайх. Байтдаги ботиний мазмун шундай: Муҳаббат азоби «ичу тошим»ни аборг айланди. Эй пири комил, файзингни дариг тутма, ишқ йўлига йўллагил мени. Фаримдаги заҳмларнинг табиҳи ҳам фақат сенинг ўзинг ва сўзингдир. Навоий ғазал сўйиғида «Давр аро суҳбат», деган жумлани ишлатади. Бизнингча, ушбу ғазал давр ва даврон, олам ва замон, одам ва маънавий-руҳий бухрондан баҳс этувчи теран бир фалсафий суҳбатдир. Навоий бошқа бир ўринда, «Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари», дейди. Мана шу нарса ўқувчини оғир туйғулар гирдобига тортувчи фикрларнинг тўғилишига асос бўлган: **Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навойи, тонг эмас, Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.**

Иброҳим ҲАҚКУЛОВ, филология фанлари доктори.

**Истеъдод**  
Рашид ака уйга кириб келганида ховлида ҳеч ким кўринмас эди. Сочилиб ётган рангли қалам, қоғозларни кўриб, бош чайқади: **Хикматжоннинг иши бу. Ўзи қанийкин, доим уни чиздим, бунга чиздим деб холи-жонинга қўймасди. Рашид ака энди қўлидаги дафтар-китобларни хонтахтага қўйган эдики, ичкари уйдан овоз эшитилди:**



— Дадажон, бунга қаранг... Рашид ака Хикматнинг қўлидаги каттақон қроғза қизилган манзарарага кўз югуртирди. — Жуда бошқача-ку, — ўғлининг елкасига қоқиб деди, — ана шунақаларни чизаввергин. — Энди бўёқ олиб берасиз-а.

Оилада шу кунги Хикматнинг яхши сурати ҳақида гап бўлди... — Мактабда ўқиб юрганнимизда расм ўқитувчимиз Эргаш Рискуллаевдан кўп маслаҳатлар олар эдим, - деб ҳикоя қилади мусаввир Хикмат Жалилов, — сира эринмасдан расм чи-зиш сирларини ўрга-тардилар. Бир кунги етаклаб Ўзбекистон халқ рассоми Абдуллах Абдуллаевнинг уйига олиб бордилар. 7-синфда ўқирдим ўшанда. Худди бошқа оламга кириб қолгандек бўлгандим. Устахона-

# МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

даги сон-саноксиз суратларни кўриб, роса ажабландим. Атоқли мусаввир талқинидаги Алишер Навоийнинг сиймосини ҳам илк бор ўшанда кўрганман.

Кейинчалик ҳам атоқли рассомнинг устахонасида кўрганларимни эслаб юрдим. Низомий номидаги педагогика институтида (ҳозир университет) ўқиб юрганнимда рассомлик узлуксиз изланиш, тинимсиз меҳнат эканлигини юракдан ҳис этдим. Аб-



дулҳақ Абдуллаевдек портрет устасининг нақадар зарғар, меҳнатқашлиғига ўшанда тан берганман.

Хикмат Жалиловнинг устозлардан омади келди. Институтларда (у Театр ва рассомлик институтини ҳам тутатган) Дилёр Имомов, Ўзбекистон халқ рассомлари Неъмат Кўзибоев, Маннон Саидовлардан кўп нарса ўргандим. Алек-



сандр Кавининдан ҳам ҳозиргача миннатдор. — Айниқса, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Алишер Мирзаев сира ўз маслаҳатларини аямайдилар, - ҳикоя қилади Хикматжон, —

Мусаввирнинг Малязияга қилган сафарига талайгина яхши асарларнинг яратилишига илҳом берди. Хикмат Жалилов кўп йиллардан бери рес-

публика болалар ижодиёти марказида ёш рассомларга мўйқалам сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Унинг шогирдлари АҚШ, Дания, Швеция, Ҳиндистонда бўлиб ўтган болалар ижодиёти танловларида кўп бора голиб чиқдилар. Мусаввир айнан мана шу фидойилиги, сермахсул ижоди учун республика Бадий академияси томонидан кумуш медал билан тақдирланди.

Хикмат Жалилов ҳозир замондошларимизнинг туркум суратларини яратиш устида иш олиб бормоқда. **Темур УБАЙДУЛЛО.** **Суратларда: Хикмат Жалилов асарларидан намуналар.**

## Бокс

### ЛАЙЛО АЛИ ОРАНИ ОЧИК ҚИЛМОҚЧИ

Профессионал бокс оламида афсонавий чарм кўлоқ усталари Муҳаммад Али ва Жо Фрезер фарзандлари оталарининг рингдаги фаолиятини давом эттиришмоқда. Собиқ боксчиларнинг қизлари оталарига муносиб ворис бўлиб етишганлари айниқса ажабланарлидир. Айни қоқчақа етти учрашувдан буён галаба қилиб келаётган Лайло Али, тўрт учрашувнинг барчасида кўли баланд келган Жақлин Фрезер Лайд рингда юзма-юз келишга аҳд қилдилар. Улар ўртасидаги чемпионлик жанги келгуси йилнинг 10 март кунига белгиланди. Бу сана бежиз танланмади, албатта. Чунки бундан роппароса 25 йил бурун 10 март кунги Маҳаммад Али ва Жо Фрезерларнинг ўртасидаги дастлабки 15 раундлик учрашувда Муҳаммад Али биринчи марта маглубият аламини тортадиган. «Маниладаги Триллер» номи билан машҳур бўлган ўша учрашув ҳамон мухлислар ёдида. Ажабмас, 25 йил ўтиб, Лайло Али Жақлин Фрезер Лайддан отаси аламини олиб, орани очик қилса.

## Футбол

**Майдонда барибир кучлилар голиб чиқади.** **Мухлислар бу гапни кўп эшитишган. Бироқ бу ҳақиқат неча бор тасдиқдан ўтган бўлишига қарамай ҳар сафар улар ўйингоҳга ўз жамоалари галабасига умидор ҳолда ташриф буюришади. Ва энг ажабланили томони, ўйин қандай кечишадан қатъи назар ўз фикрларида мустахкам қолишади. Ишқибозлик, деганлари балки шу бўлса керак.**

# ЭНГ МУҲИМИ, МУХЛИСЛАР ҚУВОНЧИ

Айтиш мумкинки, «Дўстлик» ва «Самарқанд-Динамо» командалари Осиё кубоги баҳсларида қирқиганликлари муносабати билан ушбу турнир ўтказиб юборишлари маълум бўлгач, турнир жадвалида ўзгариш ўз бериши аниқ бўлиб қолган эди. Сабабини, учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаб турган «Насаф» ва «Нефтчи» жамоаларининг ўзаро учрашувида қайси томоннинг кўли баланд келиши ва ҳатто дурангага имзо чекилиши ҳам улардан бирининг бир тоғона илгариллашини тасвиқлайди. Худди шундай бўлди ҳам.

Турнинг энг қизиқарли баҳориде майдон эгалари — қаршилиқ футболчилар ҳужумкор ўйин намойиш этиб, муҳим уч очко эгаси бўлдилар. Гарчанд Саркисян шогирдлари «Насаф» дарвозасини икки бор ишғол этган бўлсалар-да, учрашув асноси тўрт марта ўйинни майдон марказидан бошлаб, иккинчи ўринга киши умидидан воз кечишдан ўзга чора тополмадилар. Ўз мавқени тиклаш йўлида дадил қадамлар ташлаётган «Пахтакор» учун бу тур анчайин оғир кечди. Бу табиий, кимсан «Навбахор» билан тенгма-тенг уйнашга, қолаверса, таётган «Сурхон» кутилмаганда ўз майдониде йирик ҳисобда маглубиятга учради. «Андихон» футболчилари термизликлар дарвозабонини беш марта тўпни тўрдан олиб чиқашга мажбур этган ҳолда, ўз дарвозалари дахлсизлигини тасминлай билдилар. Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Қизилкум» — 3:2, «Металлург» — «Бухоро» — 4:2, «Гулистон» — «Зарафшон» — 1:1, «Семург» — «Темирйўлчи» — 4:1, «Турон» — «Кимёгар» — 2:1.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	24	19	3	2	63-27	60
2. «Насаф»	25	16	7	2	53-28	55
3. «Самарқанд-Д»	24	17	1	6	63-26	52
4. «Нефтчи»	25	15	6	4	49-25	51
5. «Навбахор»	25	13	7	5	57-29	46
6. «Бухоро»	25	12	4	9	36-33	40
7. «Андихон»	25	10	8	7	49-33	38
8. «Сурхон»	25	11	5	9	46-42	38
9. «Семург»	25	10	7	8	42-38	37
10. «Пахтакор»	25	10	6	9	38-38	36
11. «Трактор»	25	9	3	13	34-36	30
12. «Металлург»	25	8	6	11	26-39	30
13. «Қизилкум»	25	7	8	10	27-37	29
14. «Зарафшон»	25	6	7	12	20-47	25
15. «Гулистон»	25	7	3	15	29-44	24
16. «Сўғдиёна»	24	6	5	13	26-42	23
17. «Темирйўлчи»	25	5	5	15	36-59	20
18. «Кимёгар»	25	4	7	14	23-45	19
19. «Хоразм»	24	4	6	14	22-41	18
20. «Турон»	25	4	6	15	22-54	18

## «ЭКОФЕСТИВАЛ-2000»

«Экосан» халқаро жамғармаси Фарғона вилоят бўлими ҳамда Ташлоқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида туман марказий ўйингоҳида мустақилликнинг 9 йиллиғига бағишлаб «Экофестивал-2000» тадбирлари бўлиб ўтди. «Мустақиллик, экология, саломатлик» шiori остида ўтказилган ана шу тадбирда атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, фестивалда кўргазмалар спорт машқлари, санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Тадбирдан тушган қарийб 2,5 миллион сўмга яқин маблағ тумандаги болалар ва ёш болали оналар учун дори-дармонлар сотиб олиш, шаҳар ва қишлоқ жойларда экологияни яхшилаш, туман аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларига сарфланади.

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси  
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Тахрир хайъати: Ж.Алимуҳтаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.  
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Махшилик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сotуида эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди 22.50  
Буюртма Г — 724. 1 2 3 4 5 6